
"Обод қишлоқ" дастури амалда: Қурилганига 50 йилдан күп вақт үтган мактабгача таълим ташкилоти янгидан қуриб битказилди

Бугун "Чекчувалдоқ" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 28-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотининг очилиши бўлиб үтди. Табдирда туман ҳокими Жаҳонгир Жуманов, секторлар раҳбарлари, ахоли вакиллари билан биргаликда иштирок этди.

1970 йилда барпо этилган ушбу маскан аввал 50 ўринли эди. Ҳозирда 120 ўринга эга давлат мактабгача таълим ташкилоти "Обод қишлоқ" дастури асосида 3,8 млрд сўм маблағ эвазига янгидан бунёд этилди.

"Чекчувалдоқ" маҳалла фуқаролар йиғинида 3-7 ёшли болалар сони 412 нафарни ташкил этиб, маҳаллада жами 7 та мактабгача таълим ташкилоти мавжуд. Шундан 3 та давлат ва 4 та Оиласвий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолият юритмоқда. Маҳаллада болаларнинг мактабгача таълим ташкилотларига қамров даражаси 99,5 фоизни ташкил этмоқда.

Айни кунларда таълим масканида 120 нафар болажонларга малакали педагог ходимлар ўқув машғулотлари олиб боришади. Тарбияланувчилар учун йўл ҳаракат қоидалари, шахмат, инглиз-рус тили, хареография машғулотлари ташкилланган.

2023-11-21 17:07:24